1. “Beginning Android™ 4 Application Development”, by Wei-Meng Lee, printed at Radha Offset, Delhi in 2015, pages – 533. Chapter-1. Getting started with Android programming
2. “Android™ Application Development Cookbook”, by Wei-Meng Lee, printed at Sharda Offset Press, Delhi in 2015, pages – 385.
3. http://en.wikipedia.org/wiki/Mobile_operating_system
4. http://en.wikipedia.org/wiki/Comparison_of_mobile_operating_systems
5. [http://en.wikipedia.org/wiki/Android_\(operating_system\)](http://en.wikipedia.org/wiki/Android_(operating_system))
6. http://www.tutorialspoint.com/android/android_overview.htm
7. http://www.diffen.com/difference/Android_vs_iOS

2- мавзу: Объектга йўналтирилган дастурлаш тамойиллари. Андроид тизими учун Java дастурлаш тили.

Режа:

1. Андроид тизими учун Java дастурлаш муҳити. Java дастурлаш тилининг асосий конструкциялари.
2. Махсус синф ва функциялар. Объектга йўналтирилган дастурлаш хусусиятлари.
3. Абстракт синфлар.

Таянч иборалар: *Variables, Instance variables, Declaration, Instantiation, Java, Applet, Package, Import, Polymorphism, Inheritance, Encapsulation, Abstraction, Runtime (Dynamic) Polymorphism, Compile time (Static) Polymorphism*

2.1. Андроид тизими учун Java дастурлаш муҳити. Java дастурлаш тилининг асосий конструкциялари

Java - Объектга йўналтирилган дастурлаш тили бўлиб, 1991 йилда Sun компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ва унинг биринчи версияси 1995 йилда фойдаланувчиларга тақдим қилинган. Ҳозирги кунда 3 та edition бор:

- Java 2 Platform Standard Edition (J2SE)
- Java 2 Platform Enterprise Edition (J2EE)
- Java 2 Platform Micro Edition (J2ME)

Java application - Дастурий иловалар асосан Java тили ва унинг кутубхоналари орқали яратилади, Java applet лар эса HTML билан биргаликда ишлайдиган кичик ҳажмдаги дастурлар ҳисобланади. Бунда java файллар ва html файллар биргаликжа мавжуд бўлади(~~.java and html files (~~.html)

Java дастурлаш тили асослари

- Java тилидаги маълумотлар типлари
- Ўзгарувчиларни эълон қилиш ва уларнинг типлари
- Java modifiers (package, public, private, protected, *static, final, abstract, synchronized*)
- Асосий операторлар
- Цикл (while, do...while, for) операторлари
- Шарт (if, if...else, nested if, nested if...else, switch) операторлари
- Java да сонлар

- Символлар ва сатрлар билан ишлаш
- Массивлар
- Методлар
- Файллар билан ишлаш
- Истисноларни бошқариш
- Regular Expression

Юқорида айтиб ўтилганидек, Java тили тўлиқ объектга йўналтирилган дастурлаш тили бўлиб, бунда қуйидаги тушунчалар асосий ҳисобланади.

- **Object** – барча объектлар ҳолат (**states**) ва ҳаракат (**behaviors**) дан ташкил топади. Масалан мошина объект бўлса унинг ҳолати – *ранги, тури, тезлиги* бўлса, ҳаракати – *тезлашиш, секинлашиш, тўхташ, ҳаракатни бошлаш* ва ҳ.к. лар ҳисобланади;
- **Class** – объект учун керакли барча ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган **шаблон**;
- **Methods** – объектнинг ҳаракатини (**behaviors**) таъминловчи кодлар блокидир. Синф бир нечта методдан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир метод орқали объект ҳаракати учун керакли бўлган барча жараёнлар мантиқий кетма-кетлиги (маълумотларни юклаш, ўқиш, ёзиш, базага ёзиш, дастур интерфейсини бошқариш ва ҳ.к. лар) амалга оширилади;
- **Instance Variables** – объект мурожаат қилувчи ўзгарувчилар.

Java да биринчи дастур

```
public class MyFirstJavaProgram {
    // This is my first java program. This will print 'Hello World' as the output
    public static void main(String []args) {
        System.out.println("Hello World"); // prints Hello World
    }
}
```

Java дастурининг умумий структураси

```
package    // defines which class library this class belongs
import    // defines external class/ class library to include here
class class_name {
    variables
    methods() {
    }
}
```

2.2. Махсус синф ва функциялар. Объектга йўналтирилган дастурлаш хусусиятлари.

Java тилида синфлар:

Синфлар қуйидагича ўзгарувчилардан ташкил топиши мумкин:

- **Local variables** – бу ўзгарувчилар фақатгина метод ёки конструктор ичида эълрн қилинади, бажарилади ва шу блокни ичида иш фаолиятини тўхтатади;
- **Instance variables** – бу синф ичидаги лекин методлардан ташқарида эълон қилинадиган ўзгарувчилардир. Ушбу ўзгарувчиларга синфнинг методлари, конструкторлари томонидан мурожаат қилиш мумкин;
- **Class variables** - бу синф ичида ва методлардан ташқарида эълон қилинадиган *static* ўзгарувчилардир.

Мисол:

```
public class Dog{
    String breed;
    int age;
    String color;
    void barking(){
    }
    void hungry(){
    }
    void sleeping(){
    }
}
```

Синф конструктори

Конструктор - бу Синф чақирилганда яъни жорий синфнинг объекти яратилганда ишга тушади, номи синф номи билан бир хил бўлади, синф методи ҳисобланади ва синфда конструкторлар бир нечта бўлиши мумкин яъни конструкторни *overload* қилса бўлади.

Мисол:

```
public class Puppy{
    public Puppy(){
    }
    public Puppy(String name){
        // This constructor has one parameter, name.
    }
}
```

}

Объект яратиш. Синфнинг объектини яратишда қуйидаги кетма-кетлик амалга оширилади ва шу амалларни кетма-кет бажариш орқали объект яратилади:

- **Declaration** – объектни эълон қилиш;
- **Instantiation** – new калит сўзидан фойдаланиш;
- **Initialization** – объектга дастлабки қиймат бериш (new калит сўзидан кейин конструкторни чақириш).

Мисол:

```
public class Puppy{
    public Puppy(String name){
        // This constructor has one parameter, name.
        System.out.println("Passed Name is : " + name );
    }
    public static void main(String []args){
        // Following statement would create an object myPuppy
        Puppy myPuppy = new Puppy( "tommy" );
    }
}
```

Натижа: **Passed Name is :tommy**

Ўзгарувчи ва методларга мурожаат

/ Объект яратиш */*

ObjectReference = new Constructor();

/ объект орқали ўзгарувчини чақириш */*

ObjectReference.variableName;

/ объект орқали методни чақириш */*

ObjectReference.MethodName();

Мисол:

Мисол:

```
public class Puppy{
    int puppyAge;
    public Puppy(String name){
        System.out.println("Passed Name is : " + name );
    }
    public void setAge( int age ){
```

```

    puppyAge = age;
}
public int getAge() {
    System.out.println("Puppy's age is : " + puppyAge);
    return puppyAge;
}
public static void main(String []args) {
    Puppy myPuppy = new Puppy( "tommy" );
    myPuppy.setAge( 2 );
    myPuppy.getAge( );
    System.out.println("Variable Value : " + myPuppy.puppyAge );
}
}

```

Натижа:

Passed Name is :tommy

Puppy's age is :2

Variable Value :2

Encapsulation – бу синф ўзгарувчиларининг (майдонлари) ҳимояланганлиги

```

class Encapsulation {
    private int summa = 500;
    protected int smax = 45500;
    public int getSumma() {
        return this.summa;
    }
}
public class EncapsulationDemo {
    public static void main(String []argc) {
        Encapsulation d = new Encapsulation();
        System.out.println(d.getSumma());
    }
}

```

Encapsulation


Ворислик (inheritance) - бошқа бир синфдан ворис (насл) олиш. Java да насл олиш **extends** калит сўзидан фойдаланилади.

Мисол:

```
class Android extends MobilePhone { ... }
```

```

class MobilePhone {
    public void switch() {
        System.out.println("Phone is switching");
    }
}
class Android extends MobilePhone {
    public void switchOS() {
        System.out.println("Switching Android 4.4");
    }
}
public class Demo {
    public static void main(String []args) {
        Android kitkat = new Android();
        kitkat.switch();
        kitkat.switchOS();
    }
}
    
```



Polymorphism – бу грекча сўздан олинган бўлиб, “**poly**” – кўп, “**morphos**” – формалар, “кўп формалилик” ёки дастурлаш тилида “бир хил метод (объект, ўзгарувчи) турли хил интерфейс (масала)” деган маънони билдиради. Бу дастурчи учун “*flexible*” дастур тузиш имкониятини яратиб беради⁴. Polymorphism икки хил бўлади:

- Runtime (Dynamic) Polymorphism
- Compile time (Static) Polymorphism

Method overloading va method overriding бир-биридан фарқи

Method overloading	Method overriding
Бир номли лекин турли хил параметрли функциялар ва уларга мурожаат қилиш	Бир номли ва бир хил параметрли функциялар ва уларга мурожаат қилиш
Method overloading битта синф ичида бажарилади	Method overriding супер синф ва ворис синф асосида бажарилади
Метод қайтариш типи бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин	Метод қайтариш типи ҳар доим бир хил бўлади
JVM функция параметрига қараб қайси функция чақирилаётганини аниқлайди	JVM объект типига қараб (яъни қайси синфга тегишли) қайси функция чақирилаётганини аниқлайди

⁴ http://www.tutorialspoint.com/java/java_polymorphism.htm

2.3 Абстракт синфлар.

Абстракт синфлар - Камида битта абстракт методга эга бўлган синф – абстракт синф дейилади. “abstract” калит сўздан фойдаланилади ва абстракт синфдан объект яратиш бўлмайди. Эълон қилиниши қуйидаги мисолда кўрсатилган:

```
abstract class MyClass{
    abstract void calculate(double x); // метод
}
....
MyClass m; // хато!!! //compilation error!!!
```

Назорат саволлари

1. Java қачон қайси ташкилоттомонидан ишлаб чиқилган?
2. Синф ва объектнинг бир-биридан фарқи?
3. Java да маълумотлар типлари (ҳар бир тип хтирадан қанча жой эгаллашини ҳам кўрсатинг)?
4. Объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий хусусиятлари қайсилар?
5. Java да синфлар қандай ўзгарувчиларни ўз ичига олади?
6. Конструктор нима ва унинг оддий методдан фарқи?
7. Объект яратиш (тўлиқ объект яратилганда) жараёнида қандай кетма – кетлик амалга оширилади?
8. Объект қандай қилиб инициализация қилинади (Мисол келтиринг)?
9. Объектнинг ўзгарувчиси ва методига қандай мурожаат қилинади (Мисол келтиринг)?
10. Java да ворис олиш учун қандай калит сўздан фойдаланилади ва синфдан ворис олишга мисол келтиринг?
11. Қандай турдаги полиморфизмлар мавжуд?
12. Method overloading нима ва унга мисол келтиринг?
13. Method overriding нима ва унга мисол келтиринг?
14. Бир номли лекин турли хил параметрли функциялар ва уларга мурожаат қилиш нима дейилади?
15. Бир номли ва бир хил параметрли функциялар ва уларга мурожаат қилиш нима дейилади?
16. Method overriding битта синф ичида амалга оширилиши мумкинми. Мумкин ёки мумкин эмаслигини исботланг?
17. Абстракт синф нима ва у қандай хусусиятларга эга?

18. Абстракт синф қандай яратилади?

Адабиётлар ва интернет ресурслар

1. “Beginning Android™ 4 Application Development”, by Wei-Meng Lee, printed at Radha Offset, Delhi in 2015, pages – 533. Chapter-1. Getting started with Android programming
2. "Java The Complete Reference Eighth Edition" by Herbert Schildt, 2014, Глава-6,7,8,9,10. стр.145-259
3. Core Java “An Integrated Approach”, Include all versions up to Java7 by Dr. R. Nageswara Rao, 205, 646 pages
4. http://www.tutorialspoint.com/java/java_polymorphism.htm
5. <http://beginnersbook.com/2013/03/polymorphism-in-java/>
6. http://www.tutorialspoint.com/java/java_abstraction.htm
7. http://www.tutorialspoint.com/java/java_object_classes.htm

3- мавзу: Андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш. Иловаларда ходисалар ва жараёнлар

Режа

1. Андроид иловаларида ходисалар ва жараёнлар. Activity яшаш цикли.
2. GUI компоненталари. Views ва ViewGroup лардан фойдаланиш. Layout лар ва улардан фойдаланиш.
3. *Gallery, ImageSwitcher, GridView*, ва *ImageView* компоненталаридан фойдаланиш. Расмларни жойлаштириш.
4. Илова менюларини бошқариш.
5. Иловаларда анимациядан фойдаланиш.

Таянч иборалар: *Activity, fragment, intents, ImageView, GridView*

3.1 Андроид иловаларида ходисалар ва жараёнлар. Activity яшаш цикли

Фойдаланувчи интерфейсини бошқарувчи асосий .java кенгайтмали файл бўлиб, Activity синфидан ворис олган ҳолда яратилади. Мисол учун:

- email иловаси битта activity почтага келган янги хатларни кўрсатиб туради;
- бошқа бир activity жўнатилган хатларни кўрсатади;
- бошқаси эса келган хатларни ўқиш учун ишлатилади.

Агар яратилган илова бир ечта activity дан иборат бўлса, у ҳолда битта activityни (файлни) асосий деб кўрсатиб қўйилиши лозим ва бу activity илова ишга туширилганда чақирилади⁵.

Мисол-1: MainActivity.java

```
package com.example.helloworld;

import android.os.Bundle;
import android.app.Activity;
import android.view.Menu;

public class MainActivity extends Activity {
    /** Called when the activity is first created. */
    @Override
    protected void onCreate(Bundle savedInstanceState) {
```

⁵ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-2. Activities, fragments and intents, pages 64-65.

```

super.onCreate(savedInstanceState);
setContentView (R.layout.activity_main);
}
}

```

Одатда activity дастур интерфейсини ўзида мужассамлаштирган XML файли res/layout папкасидан чақириб олади. Бизнигн мисолимизда **activity_main.xml** файли куйидагича чақириляпти:

```

setContentView (R.layout.activity_main);

```

Иловада ишлатилаётган ҳар бир activity AndroidManifest.xml файлида куйидагича эълон қилиб қўйилиши лозим:

```

<?xml version="1.0" encoding="utf-8"?>
<manifest xmlns:android="http://schemas.android.com/apk/res/android"
.....
<application
    android:icon="@drawable/ic_launcher"
    android:label="@string/app_name" >
    <activity
        android:label="@string/app_name"
        android:name=".MainActivity" >
        <intent-filter >
            <action android:name="android.intent.action.MAIN" />
            <category
                android:name="android.intent.category.LAUNCHER" />
        </intent-filter>
    </activity>
</application>
</manifest>


```

Activity яшаш цикли⁶

- **onCreate()** — activity ишга тушганда биринчи марта чақирилади;
- **onStart()** — activity натижаси фойдаланувчига кўринганда чақирилади;
- **onResume()** — activity фойдаланувчи томонидан ишлатилаётганда чақирилади;

⁶ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-2. Activities, fragments and intents, pages 64-68.

- **onPause()** — жорий activity фаоляти вақтинчалик тўхтатилиб бошқа activity фаоллаштирилганда чақирилади;
- **onStop()** — activity фойдаланувчига кўринмай қолганида чақирилади;
- **onDestroy()** — activity тўхтатилган вақтда чақирилади;
- **onRestart()** — activity иш фаоляти тўхтатаилиб қайта ишга туширилганида чиқарилади.



3.1-расм. Activity яшаш цикли визуал кўринишда

Мисол-2:

```
package com.example.helloworld;
import android.os.Bundle;
import android.app.Activity;
import android.util.Log;
public class MainActivity extends Activity {
    String tag = "Lifecycle";
    @Override
    protected void onCreate(Bundle savedInstanceState) {
        super.onCreate(savedInstanceState);
        setContentView(R.layout.activity_main);
    }
}
```

```

}

public void onStart() {
    super.onStart();
    Log.d(tag, "In the onStart() event");
}

public void onRestart() {
    super.onRestart();
    Log.d(tag, "In the onRestart() event");
}

public void onResume() {
    super.onResume();
    Log.d(tag, "In the onResume() event");
}

public void onPause() {
    super.onPause();
    Log.d(tag, "In the onPause() event");
}

public void onStop(){
    super.onStop();
    Log.d(tag, "In the onStop() event");
}

public void onDestroy(){
    super.onDestroy();
    Log.d(tag, "In the onDestroy() event");
}
}

```

Дастур натижаси. LogCat console

Declaration Console LogCat

Search for messages. Accepts Java regexes. Prefix with pid, app, tag, or text: to limit scope.

L...	Time	PID	TID	Application	Tag	Text
D	09-22 05:52:4...	1385	1385		Lifecycle	In the onStart() event
D	09-22 05:52:4...	1385	1385		Lifecycle	In the onResume() event
D	09-22 05:53:2...	1385	1385		Lifecycle	In the onPause() event
D	09-22 05:53:2...	1385	1385		Lifecycle	In the onStop() event
D	09-22 05:53:2...	1385	1385		Lifecycle	In the onDestroy() event
D	09-22 05:53:3...	1385	1385		Lifecycle	In the onStart() event
D	09-22 05:53:3...	1385	1385		Lifecycle	In the onResume() event
D	09-22 05:53:3...	1385	1385		Lifecycle	In the onPause() event
D	09-22 05:53:3...	1385	1385		Lifecycle	In the onStop() event
D	09-22 05:53:4...	1385	1385		Lifecycle	In the onRestart() event
D	09-22 05:53:4...	1385	1385		Lifecycle	In the onStart() event
D	09-22 05:53:4...	1385	1385		Lifecycle	In the onResume() event


3.2-расм. LogCat console

activity лар натижаси dialog ойнаси кўринишида ишлатиш мумкин. Асосан activity лар илованинг тўлиқ ойнасида ҳосил бўлади. Лекин activity натижаларини dialog ойнада ҳосил қилиш мумкин. Мисол учун “warning message” ларни экранга чиқариш. Бунинг учун **AndroidManifest.xml** файлида жойлашган **<Activity>** элементининг **android:theme** атрибути ўзгартирилади⁷:

```
android:theme="@style/AppTheme" >
```


ўрнига, куйидагича ёзилади

```
android:theme="@android:style/Theme.Dialog">
```



3.3-расм. Theme.Dialog стилида илова кўриниши

Activity орқали Dialog Window ҳосил қилиш



3.2 GUI компоненталари. Views ва ViewGroup лардан фойдаланиш. Layout лар ва улардан фойдаланиш

Андроид тизимида фойдаланувчи интерфейси асосан widget лар яъни

⁷ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-2. Activities, fragments and intents, pages 69-70.

buttons, labels, textboxes ва ҳ.к. лар ва буларнинг жойлашувига мос layout лардан иборат бўлади. Ўз навбатида бу компоненталар XML файл шаклида сақланади ва activity асосида бошқарилади⁸. XML файлига мисол:


```
<?xml version="1.0" encoding="utf-8"?>
<LinearLayout xmlns:android="http://schemas.android.com/apk/res/android"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="fill_parent"
    android:orientation="vertical" >
    <TextView
        android:layout_width="fill_parent"
        android:layout_height="wrap_content"
        android:text="@string/hello" />
</LinearLayout>
```

Activity синфининг setContentView() методи орқали керакли XML файл яъни дастур интерфейси қуйидагича чақирилади:

```
@Override
public void onCreate(Bundle savedInstanceState) {
    super.onCreate(savedInstanceState);
    setContentView(R.layout.main);
}
```

Демак дастур компиляцияси жараёнида XML файлда жойлашган ҳар бир элемент ва унинг атрибутига мос Android GUI class яратилади. Ушбу операциядан кейингина activity ишга туширилганда илова интерфейси чақирилади. Фойдаланувчи интерфейси асосан график компоненталар view ва viewgroup лардан иборат бўлади.

⁸ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-3. Getting to Know the Android User Interface, pages 133-134.



3.4-расм. Компоненталар гуруҳи ва элементлари

ViewsGroup – бу компоненталар яъни бир нечта *views* лар бирлашмаси ва бу компоненталар *layout* ларда жойлашади. **Views** – бу компоненталар, яъни интерфейс учун керакли бўлган ҳар бир компонента (button, checkbox, textview, ... ва ҳ.к.лар).

LinearLayout - бу компоненталарни битта қаторга (горизонтал) ёки устун (вертикал)га жойлаштириш учун ишлатилади⁹.

```
<?xml version="1.0" encoding="utf-8"?>
```

```
<LinearLayout xmlns:android="http://schemas.android.com/apk/res/android"
```

```
    android:layout_width="fill_parent"
```

```
    android:layout_height="fill_parent"
```

```
    android:orientation="vertical" >
```

```
    <Button android:id="@+id/btnStartService"
```

```
        android:layout_width="150px"
```

```
        android:layout_height="wrap_content"
```

```
        android:text="@string/start_service"/>
```

```
    <Button android:id="@+id/btnPauseService"
```

```
        android:layout_width="150px"
```

```
        android:layout_height="wrap_content"
```

```
        android:text="@string/pause_service"/>
```

```
    <Button android:id="@+id/btnStopService"
```


```
        android:layout_width="150px"
```

```
        android:layout_height="wrap_content"
```

```
        android:text="@string/stop_service"/>
```

```
</LinearLayout>
```

⁹ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-3. Getting to Know the Android User Interface, pages 135-136.



AbsoluteLayout – бу компоненталарни маълум ўлчамлар ва оралиқлар асосида жойлаштириш имкониятини яратади¹⁰.

<AbsoluteLayout

```

android:layout_width="fill_parent"
android:layout_height="fill_parent"
xmlns:android="http://schemas.android.com/apk/res/android" >
<Button
    android:layout_width="188dp"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:text="Button"
    android:layout_x="126px"
    android:layout_y="361px" />
<Button
    android:layout_width="113dp"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:text="Button"
    android:layout_x="12px"
    android:layout_y="361px" />

```

</AbsoluteLayout>

Мисолда кўринадикки, берилган Button компоненталари **android_layout_x** ва **android_layout_y** атрибутлари қиймати асосида жойлашади. Лекин битта муаммо бор. AbsoluteLayout асосида яратилган фойдаланувчи интерфейслари Андроид OT нинг кейинги версиялари ва экран

¹⁰ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-3. Getting to Know the Android User Interface, page 143.

турига қараб хатоликлар келиб чиқиши мумкин.



TableLayout - компоненталарнинг жадвал асосида жойлашувидир. Бунда <TableRow> элементи жадвал қаторини белгилаб беради. Ҳар бир қатор бир ёки бир нечта компонентани ўз ичига олади. Қатор узунлиги мос ҳолда компоненталар узунликлари йиғиндисидан иборат бўлади¹¹.


```
<TableLayout
  xmlns:android="http://schemas.android.com/apk/res/android"
  android:layout_height="fill_parent"
  android:layout_width="fill_parent" >
  <TableRow>
    <TextView
      android:text="User Name:"
      android:width="120dp"
    />
    <EditText
      android:id="@+id/txtUserName"
      android:width="200dp" />
  </TableRow>
  <TableRow>
    <TextView
      android:text="Password:"
    />
    <EditText
```

¹¹ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-3. Getting to Know the Android User Interface, pages 144-145.

```

        android:id="@+id/txtPassword"
        android:password="true"
    />
</TableRow>
<TableRow>
    <TextView />
    <CheckBox android:id="@+id/chkRememberPassword"
        android:layout_width="fill_parent"
        android:layout_height="wrap_content"
        android:text="Remember Password"
    />
</TableRow>
<TableRow>
    <Button
        android:id="@+id/buttonSignIn"
        android:text="Log In" />
</TableRow>
</TableLayout>

```



RelativeLayout – бу компоненталарни бир – бирига мос (боғлиқ) ҳолда жойлаштириш учун ишлатилади. Яъни бир компонентани ўнг тарафидан (чап тарафидан, юқори қисмидан, пастки қисмидан) иккинчи компонентани жойлаштириш мумкин бўлади. RelativeLayout да компоненталар куйидаги атрибутлар асосида бир – бири билан боғлиқ ҳолда жойлаштирилади¹².

Android тизимида икки ҳил кўринишдаги ориентация мавжуд: portrait ва landscape. Бу ориентациялар икки ҳил усул ёрдамида бошқарилади ва улар куйидагилардир.

¹² Beginning Android 4 Application Development, Chapter-3. Getting to Know the Android User Interface, pages 145-146.

- **Anchoring** — экраннинг тўртта бурчаги ҳисобига компоненталарни бошқариш;
- **Resizing and repositioning** — ориентация ҳолатига қараб турли хил layout (xml file) ларга мурожаат қилиш орқали компоненталарни экранга чиқариш.

Андроид иловаларини ишлаб чиқишда ишлатиладиган компоненталар (ускуналар) View лар деб аталади ва уларнинг қуйидаги турлари мавжуд¹³.

- **Basic views** — Энг кўп фойдаланиладиган оддий view лар бўлиб, булар TextView, EditText, Button ва бошқалардир
- **Picker views** — TimePicker ва DatePicker яъни соат ва вақтни бошқариш учун ишлатиладиган компонента ҳисобланади.
- **List views** — Дастур интерфейсида рўйхатларни ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш учун ишлатиладиган ListView ва SpinnerView компоненталардир.
- **Specialized fragments** — махсус функцияларни бажариш учун мўлжалланган **fragment** лар

Basic view лардан фойдаланиш

- **Button** — тугма ҳисобланиб, ушбу тугмани босиш орқали маълум операция бажарилади
- **ImageButton** — button га ўхшаш widget бўлиб, бунда расми тугма сифатида ишлатиш мумкин
- **EditText** — TextView view нинг қўшимча имкониятли тури ҳисобланиб, фойдаланувчи ушбу компонента орқали маълумот киритиши мумкин
- **CheckBox** — button нинг махсус тури ҳисобланиб, иккита ҳолатда бўлиши мумкин: checked ёки unchecked
- **RadioGroup** ва **RadioButton** — RadioButton да ҳам икки хил ҳолат мавжуд: checked ёки unchecked. RadioGroup бу бир нечта RadioButton дан иборат бўлиб бунда фақатгина битта RadioButton checked ҳолатида бўлиши мумкин.
- **ToggleButton** — checked/unchecked ҳолатининг indicator ли кўриниши

Мисол:

```
LinearLayout xmlns:android="http://schemas.android.com/apk/res/android"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="fill_parent"
    android:orientation="vertical" >
```


¹³ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-4. Designing Your User Interface With Views pages 187-194.

```

<Button android:id="@+id/btnSave"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:text="save" />
<Button android:id="@+id/btnOpen"
    android:layout_width="wrap_content"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:text="Open" />
<ImageButton android:id="@+id/btnImg1"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:src="@drawable/ic_launcher" />
<EditText android:id="@+id/txtName"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="wrap_content" />
<CheckBox android:id="@+id/chkAutosave"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:text="Autosave" />
<CheckBox android:id="@+id/star"
    style="?android:attr/starStyle"
    android:layout_width="wrap_content"
    android:layout_height="wrap_content" />
<RadioGroup android:id="@+id/rdbGp1"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:orientation="vertical" >
<RadioButton android:id="@+id/rdb1"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:text="Option 1" />
<RadioButton android:id="@+id/rdb2"
    android:layout_width="fill_parent"
    android:layout_height="wrap_content"
    android:text="Option 2" />
</RadioGroup>
<ToggleButton android:id="@+id/toggle1"
    android:layout_width="wrap_content"

```

```
android:layout_height="wrap_content" />
</LinearLayout>
```



3.5-расм. Фойдаланувчи интерфейсида компоненталар кўриниши
View ларда **Event** лар орқали бошқариш

Демак бу қандай амалга оширилади, яъни button ни босганда қандай action ҳосил бўлади, checkbox босилганида қандай белгиланида ва ҳ.к. лар. Бу ҳолат илова компоненталарида ҳодисаларни бошқариш деб аталади ва қуйидаги мисол билан кўриб чиқамиз. Юқорида келтирилган BasicViews1 лойиҳасининг асосий файллари яъни BasicViews1Activity.java куйидагича ўзгартирилади¹⁴.

```
public class BasicViews1Activity extends Activity {
    /** Called when the activity is first created. */
    @Override
    public void onCreate(Bundle savedInstanceState) {
        super.onCreate(savedInstanceState);
        setContentView(R.layout.main);
//---Button view---
        Button btnOpen = (Button) findViewById(R.id.btnOpen);
        btnOpen.setOnClickListener(new View.OnClickListener() {
            public void onClick(View v) {
                DisplayToast("You have clicked the Open button");
            }
        });
//---Button view---
```

¹⁴ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-4. Designing Your User Interface With Views pages 196-199.

```

Button btnSave = (Button) findViewById(R.id.btnSave);
btnSave.setOnClickListener(new View.OnClickListener()
{
    public void onClick(View v) {
        DisplayToast("You have clicked the Save button");
    }
});
//---CheckBox---
CheckBox checkBox = (CheckBox) findViewById(R.id.chkAutosave);
checkBox.setOnClickListener(new View.OnClickListener() {
    public void onClick(View v) {
        if (((CheckBox)v).isChecked())
            DisplayToast("CheckBox is checked");
        else
            DisplayToast("CheckBox is unchecked");
    }
});
//---RadioButton---
RadioGroup radioGroup = (RadioGroup) findViewById(R.id.rdbGp1);
radioGroup.setOnCheckedChangeListener(new
OnCheckedChangeListener() {
    public void onCheckedChanged(RadioGroup group, int checkedId) {
        RadioButton rb1 = (RadioButton) findViewById(R.id.rdb1);
        if (rb1.isChecked()) {
            DisplayToast("Option 1 checked!");
        } else {
            DisplayToast("Option 2 checked!");
        }
    }
});
//---ToggleButton---
ToggleButton toggleButton = (ToggleButton) findViewById(R.id.toggle1);
toggleButton.setOnClickListener(new View.OnClickListener(){
    public void onClick(View v) {
        if (((ToggleButton)v).isChecked())
            DisplayToast("Toggle button is On");
        else
            DisplayToast("Toggle button is Off");
    }
});

```

```

    }
});
} // closed onCreate() method
    private void DisplayToast(String msg)
    {
        Toast.makeText(getApplicationContext(), msg,
            Toast.LENGTH_SHORT).show();
    }
} // closed BasicViews1Activity class

```

ProgressBar view компонентаси дастур томонидан қандайдир операция бажарилиши давомида кутиш ҳолатини тасвирлашда ишлатилади. Мисол учун интернетдан бирон бир дастурни юклаб олишда, бирон ахборот тизимига кириш жараёнида ва бошқа ҳолатларда фойдаланувчи маълум вақт кутишига тўғри келади. Андроид фойдаланувчи интерфрейсида вақтни ва санани кўрсатиб туриш учун қуйидаги view лардан фойдаланилади. **TimePicker** view – вақтни кўрсатиш компонентаси, **DatePicker** view – санани кўрсатиш компонентаси ҳисобланади.

ListView – рўйхат ҳосил қилиш учун ишлатиладиган компонента ҳисобланади. Android да рўйхат ҳосил қилиш учун 2 та компонентадан, ListView ва SpinnerView дан фойдаланади. ListView асосан рўйхатларни вертикал кўринишдаги давоми мавжуд бўлган (scrolling list) интерфрейсда ҳосил қилади.

3.3 Gallery, ImageSwitcher, GridView, ва ImageView компоненталаридан фойдаланиш. Расмларни жойлаштириш

Андроид иловаларида расмларни жойлаштириш. Андроид иловаларида расмларни жойлаштириш ImageView, Gallery, ImageSwitcher ва GridView компоненталаридан фойдаланилади. Gallery – бу расмлар жамланмасини экранда кўрсатиш учун ишлатиладиган компонента бўлиб, бунда расмлар горизонтал list кўринишида жойлашиб, жорий расм актив ҳолатда бўлади. Gallery view да расмлар бир тарафдан иккинчи тарафга ҳаракатланади ва мос ҳолда расмлар активлиги ўзгариб туради¹⁵.

¹⁵ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-5. Displaying pictures and menus with View, pages 247-249.



ImageAdapter дан фойдаланиш. Бу мисолда ImageAdapter синфи (BaseAdapter синфининг вориси) Gallery ва ImageView компоненталарни бир – бирига боғлаш учун ишлатилади. Одатда BaseAdapter синфи AdapterView ва маълумотлар (база, рўйхат, массив) орасида боғловчи бўлиб хизмат қилади. AdapterView компоненталарига қуйидагилар киради:

- ListView
- GridView
- Spinner
- Gallery

BaseAdapter синфининг ворис синфлари қуйидагилар:

- ListAdapter
- ArrayAdapter
- CursorAdapter
- SpinnerAdapter

Демак, Gallery view ва ImageView компоненталари расмларни (тасвир) экранда навбати билан кўрсатиш учун ишлатилади ва Галереядан белгиланган расм ImageView соҳасида ҳосил бўлади. Баъзи ҳолларда расмлар алмашиш жараёнида анимацион ҳаракатлар узатилади. Буни амалга ошириш учун Андроид тизимида Gallery view билан биргаликда **ImageSwitcher** компонентаси.



3.6-расм. Андроид иловаларида Галереядан фойдаланиш GridView компонентаси расмларни (бирор ресурсни) жадвал кўринишида жойлаштириш учун ишлатилади. GridView компонентаси ImageView билан биргаликда расмларни экранга икки ўлчовли грид кўринишида ҳосил қилиш учун ишлатилади.

3.4 Илова менюларини бошқариш

Барча иловаларда менюлар ҳар доим ишлатилади ва булар фойдаланувчи интерфейсини (илова интерфейсини) бошқаришда қулайликлар яратади. Android тизимида икки хил турдаги меню мавжуд¹⁶:

Options menu — Илованинг қўшимча хусусиятларини очиб берувчи меню ҳисобланади ва бажариладиган операциялар жорий activityга боғлиқ бўлади. Android иловаларида ушбу менюни ҳосил қилиш учун MENU тугмаси босилади.

Context menu — Жорий activity да бажариладиган операциялар учун керакли командаларни очиб берувчи меню ҳисобланиб, Android тизимида иловага тегишли бўлган context менюни очиш учун жорий тугма ушлаб турилади.

Context menu бизга айнан менюни аниқ бир view га улаш имконини беради. Бунда қуйидаги методлардан фойдаланилади

- **onCreateContextMenu**
- **onContextItemSelected**

onCreateContextMenu() – методи қуйидагича бўлади

```
public void onCreateContextMenu(ContextMenu menu, View v,
ContextMenu.ContextMenuInfo menuInfo) {
    menu.add(0, 1, 0, "blue");
    menu.add(0, 2, 0, "green");
    menu.add(0, 3, 0, "red");
    menu.add(0, 4, 0, "yellow");
}
```

onContextItemSelected() – методи қуйидагича бўлади


```
@Override
public boolean onContextItemSelected(MenuItem item) {
    switch (item.getItemId()){
        case 1:
            textView.setTextColor(Color.BLUE);break;
        case 2:
            textView.setTextColor(Color.GREEN); break;
        case 3:
            textView.setTextColor(Color.RED); break;
```

¹⁶ Beginning Android 4 Application Development, Chapter-5. Displaying pictures and menus with View, pages 262-263.

```

case 4:
    textView.setTextColor(Color.YELLOW);break;
}
return super.onContextItemSelected(item);}

```



Option Menu

Бу menu андроид иловасининг қўшимча имконияталрини ҳосил қилишда (бир менюдан иккинчи менюга ўтишда) ишлатилади.

Ишлатилиши худди олдинги слайдларда кўриб ўтган ContextMenu билан бир хил фақат бунда, **onCreateContextMenu()** ўрнига **onCreateOptionsMenu()** методи, **onContextItemSelected()** ўрнига **onOptionsItemSelected()** методи ишлатилади.

3.5 Иловаларда анимациядан фойдаланиш

Андроид иловаларида анимация турлари

- **Alpha** – объектнинг шаффофлик даражаси ўзгариши
- **Scale** – объектнинг ўлчами ўзгарган ҳолда бор ёки йўқ бўлиши
- **Translate** – объектни бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатлантириш
- **Rotate** – объектни буриш

Alpha

- **AlphaAnimation** - конструкторига fromAlpha ва toAlpha параметрлар берилади.

- **fromAlpha** – бу объектни анимация бошланмасидан олдинги шаффофлик даражаси
- **toAlpha** - бу объектни анимация охиридаги шаффофлик даражаси
- **setDuration** – бу анимацияни давом этиш вақти
- **setRepeatCount** – анимацияни давом этиш сони
- **setRepeatMode** – анимация бошлангандан view ни позицияси
- **reverse** – объект орқага қайтади
- **restart** – ҳаракат объектнинг бошида турган жойидан бошланади.

Scale

- **fromXScale** — x нинг бошланғич масштаби. 1 дан 0 гача бўлган Float типдаги қийматларни қабул қилади.
- **toXScale** — x нинг охириги масштаби. 1 дан 0 гача бўлган Float типдаги қийматларни қабул қилади.
- **fromYScale** у нинг бошланғич масштаби. 1 дан 0 гача бўлган Float типдаги қийматларни қабул қилади.
- **toYScale** у нинг охириги масштаби. 1 дан 0 гача бўлган Float типдаги қийматларни қабул қилади.
- **pivotX** — x ўқи бўйича объектни экранда туриш координатаси ва унинг қийматлари % ларда олинади
- **pivotY** — у ўқи бўйича объектни экранда туриш координатаси ва унинг қийматлари % ларда олинади

Translate

- **fromXDelta** — x ўқи бўйича бошланғич координатаси
- **toXDelta** — x ўқи бўйича охириги координатаси
- **fromYDelta** — у ўқи бўйича бошланғич координатаси
- **toYDelta** — у ўқи бўйича охириги координатаси

Rotate

- **fromDegrees** — анимация бошланмасдан олдинги бошланғич бурчак
- **toDegrees** - анимация охириги тугаш бурчак
- **pivotX** — x ўқи бўйича объект координатаси;
- **pivotY** — у ўқи бўйича объект координатаси;

Назорат саволлари

1. Activity нима?

2. Activity ларни бир – бирига боғлаш учун қандай синфдан фойдаланилади?
3. onCreate () методи нима учун ишлатилади?
4. Activity (дастур ойнаси) натижаси фойдаланувчига кўринганда қайси функция чақирилади?
5. Activity яшаш цикли нима?
6. Activity яратилганда то иш фаолиятини тўхтатгунча тизим томонидан қандай методлар ишга туширилади?
7. Берилган код қисми нима вазифани бажаради?

```
public void onClick(View view) {
    startActivity(new Intent("com.example.SecondActivity"));
}
```
8. Бир activity дан иккинчи activity га қиймат жўнатиш учун қайси методдан фойдаланилади?
9. Берилган код қисми нима вазифани бажаради?

```
Toast.makeText(this, "Hello World", Toast.LENGTH_SHORT).show();
```
10. Андроид тизимида фойдаланувчи интерфейсини яратишда қандай layout (қолип) лардан фойдаланилади
11. Ориентацияни “**Anchoring**” бошқариш усули ва унинг асосий хусусиятини айтинг?
12. Ориентацияни “**Resizingandrepositioning**” бошқариш усули ва унинг асосий хусусиятини айтинг?
13. List view ларга қайсилар киради ва уларнинг асосий вазифаси нима?
14. CheckBox қиймати trueёкиfalse эканлигини текшириш учун CheckBox синфининг қандай методдан фойдаланилади?
15. Gallery нима учун ишлатилади ва Gallery синфининг қандай методлари мавжуд?
16. Gallery ва ImageView компоненталарини қандай фарқлаш мумкин?
17. BaseAdapter синфининг қандай абстракт методлари мавжуд?
18. ListView ва GridView виджетларининг бир-биридан фарқи?
19. Context меню яратиш учун қандай методлардан фойдаланилади?
20. Option меню яратиш учун қандай методлардан фойдаланилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Beginning Android™ 4 Application Development”, by Wei-Meng Lee, printed at Radha Offset, Delhi in 2015, pages – 533. Chapter-2. Activities, fragments and Intents;

2. “Beginning Android™ 4 Application Development”, by Wei-Meng Lee, printed at Radha Offset, Delhi in 2015, pages – 533. Chapter-3. Android User Interface;
3. “Beginning Android™ 4 Application Development”, by Wei-Meng Lee, printed at Radha Offset, Delhi in 2015, pages – 533. Chapter-5. Displaying Pictures and Menus with Views.

4- мавзу: Мобил иловаларда маълумотлар базаси ва контент провайдерлардан фойдаланиш. GPS хизмати.

Режа:

1. SharedPreferences объекти орқали илова маълумотларини сақлаш.
2. Файлларга маълумот ёзиш ва ўқиш (internal ва external сақловчилар)
3. SQLite асослари.
4. Content provider лардан фойдаланиш.
5. Google map лойиҳа яратиш.

Таянч иборалар: *OpenGL ES, Source code, Universal app, GUI, IDE, OS (Operating System), Resources, Service, Surface, SurfaceView, View, Viewgroup Widget*

4.1 SharedPreferences объекти орқали илова маълумотларини сақлаш

Иловалардан фойдаланиш жараёнида иловага тегишли бирор маълумотни вақтинчалик қайердадир сақлашга ва унга қайта мурожаат қилишга тўғри келади. Android тизимида 3 хил кўринишда маълумотларни сақлаш мумкин¹⁷:

- Кичик ўлчамдаги ва тез-тез мурожаат қилиш учун ишлатиладиган *sharedpreferences* объектидан фойдаланиш
- Файллар тизимидан фойдаланиш
- Релацион маълумотлар базасини бошқариш тизими SQLite маълумотлар базасидан фойдаланиш


Демак Андроид тизимида иловаларнинг оддий, вақтинчалик маълумотларини сақлаш учун ишлатиладиган SharedPreferences объектидан қандай фойдаланамиз. Масалан, сизнинг иловангизда матн маълумотлари мавжуд ва ушбу матн шрифт ўлчамини жорий ҳолат учун ўзгартирмоқчисиз. Бунда “Settings” менюсига кирамиз ва у ердан “changeTextSize” тугмасини босамиз ва матн шрифт ўлчамини ўзгартириб сақлаш “save” тугмасини босамиз. Бунинг учун SharedPreferences объектининг name/value жуфтлиги орқали илова маълумотлари автоматик тарзда XML файлида сақланди. Илова маълумотларини SharedPreferences объектида сақлаш: UsingPreferences иловаси.

1. Янги Android лойиҳа яратамизг ва уни **UsingPreferences** деб номлаймиз.
2. /res папкасида **xml** номли янги папка яратамиз ва унинг ичида **myapppreferences.xml** номли xml файл яратамиз (*расмда*

¹⁷ “Beginning Android™ 4 Application Development”. Chapter-6. Data Persistence, pages 279-283.

кўрсатилгандек)

3. myapppreferences.xml файли қуйидагича бўлади:



Илованинг **myapppreferences.xml** файли

```

<?xml version="1.0" encoding="utf-8"?>
<PreferenceScreen
  xmlns:android="http://schemas.android.com/apk/res/android">
  <PreferenceCategory android:title="Category 1">
    <CheckBoxPreference
      android:title="Checkbox"
      android:defaultValue="false"
      android:summary="True or False"
      android:key="checkboxPref" />
  </PreferenceCategory>
  <PreferenceCategory android:title="Category 2">
    <EditTextPreference
      android:summary="Enter a string"
      android:defaultValue="[Enter a string here]"
      android:title="Edit Text"
      android:key="editTextPref" />
    <RingtonePreference
      android:summary="Select a ringtone"
      android:title="Ringtones"
      android:key="ringtonePref" />
  </PreferenceCategory>
  <PreferenceScreen
    android:title="Second Preference Screen"
    android:summary="Click here Preference Screen"
    android:key="secondPrefScreenPref" />
  </PreferenceScreen>
</PreferenceScreen>

```

```

<EditTextPreference
    android:summary="Enter a string"
    android:title="Edit Text (second Screen)"
    android:key="secondEditTextPref" />
</PreferenceScreen>
</PreferenceCategory>
</PreferenceScreen>

```

4. Package ичида, **AppPreferenceActivity** номли class файл яратилади.

5. **AppPreferenceActivity.java** файли қуйидагича бўлади:

```

package com.example.UsingPreferences;
import android.os.Bundle;
import android.preference.PreferenceActivity;

public class AppPreferenceActivity extends PreferenceActivity {
    @Override
    public void onCreate(Bundle savedInstanceState) {
        super.onCreate(savedInstanceState);
        //to change preference file name add this code
        addPreferencesFromResource(R.xml.myapppreferences);
    }
}

```

6. **AndroidManifest.xml** файлида **AppPreferenceActivity** class ни **<activity>** элементи орқали чақириб қўйилади:

```

.....
<activity android:name=".AppPreferenceActivity"
    android:label="@string/app_name">
    <intent-filter>
    <action
        android:name="com.example.AppPreferenceActivity" />
    <category android:name="android.intent.category.DEFAULT" />
    </intent-filter>
</activity>
.....

```

7. **main.xml** асосий лэйаут файли эса қуйидагича бўлади (изоҳ: ушбу компоненталар

<**LinearLayout**> ичида жойлаштирилади):

<**Button**

```
android:id="@+id/btnPreferences"
android:text="Load Preferences Screen"
android:layout_width="fill_parent"
android:layout_height="wrap_content"
android:onClick="onClickLoad"/>
```

<**Button**

```
android:id="@+id/btnDisplayValues"
android:text="Display Preferences Values"
android:layout_width="fill_parent"
android:layout_height="wrap_content"
android:onClick="onClickDisplay"/>
```

<**EditText**

```
android:id="@+id/txtString"
android:layout_width="fill_parent"
android:layout_height="wrap_content" />
```

<**Button**

```
android:id="@+id/btnModifyValues"
android:text="Modify Preferences Values"
android:layout_width="fill_parent"
android:layout_height="wrap_content"
android:onClick="onClickModify"/>
```

8. UsingPreferencesActivity.java файли куйидагича бўлади:


```
package com.example.UsingPreferences;
import android.app.Activity;
import android.content.Intent;
import android.os.Bundle;
import android.view.View;
public class UsingPreferencesActivity extends Activity {
    /** Called when the activity is first created. */
    @Override
    public void onCreate(Bundle savedInstanceState) {
        super.onCreate(savedInstanceState);
        setContentView(R.layout.main);
    }
    public void onClickLoad(View view) {
```

```


Intent i = new Intent("com.example.AppPreferenceActivity");
startActivity(i);
}
}

```

9. Дастур натижсини Android emulator да кўрамиз. **Load Preferences Screen** тугмасини босамиз ва баъзи параметрларни ўзгартирамиз




4.1-а-расм. UsingPreferences илова натижаси




4.1-б-расм. UsingPreferences илова натижаси

Демак ушбу ўзгартиришлардан кейин маълумотлар қайерда сақланади.
 DDMS -> Device (genymotion-galaxy-s3)-com.example.usingpreferences
 data -> data -> com.example.usingpreferences->shared_prefs->
 com.example.usingpref.xml




4.2-расм. UsingPreferences илованинг “DDMS” ойнасидаги натижаси

Ушбу *com.example.usingpref.xml* файли текшириб кўрамиз. Бунинг учун 4.2-расмда кўрсатилган куйтдаги тугмалардан биринчисини танлаймиз ва илова ҳақидаги сақланган файли экспорт қиламиз ва браузер орқали натижани текшириб кўрамиз.



Демак кўрсатилган тугма орқали компьютер хотирасига сақланган файли бирон бир браузер орқали очиб кўрамиз.



4.3-расм. Экспорт қилинган файл натижаси

4.2 Файлларга маълумот ёзиш ва ўқиш (internal ва external сақловчилар)

